

"Buyuk Ipak yo'lini aslida kim boshqargan?"



Мозий ҳақиқатнинг тарозусидир

"Буюк ипак йўли" атамасини 1868-1892 йилларда Хитойда бўлган немис тадқиқотчиси Фердинанд Рихтофен 1877 йили ўзининг "Хитой" асари орқали муомаллага олиб кирган. Бу йўлларда нафақат ипак савдоси, балки инсон ҳамда халқлар эҳтиёжлари учун зарур бўладиган барча маҳсулотларнинг савдо-сотиғи амалга оширилган эди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ АСЛИДА КИМ БОШҚАРГАН?

Азизхўжа ОТАХЎЖАЕВ,
ЎзФА Тарих институти бўлим
бошлиғи, тарих фанлари
доктори, профессор

Айнан Турон аҳли — ота-боболаримиз тижорат ва тадбиркорлик бобида тенгсиз маҳорат эгалари бўлган. Улар савдо-сотиқ ва ишбилармонликда Каспий ва Амударё бўйларидан то Хитойнинг Гансу вилоятидаги Хэси йўлагигача етганлик қилган.


Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳаётида муҳим ўрин тутган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик савдо йўллари тизимига милоддан олдинги 3000-2000 йилликларда, яъни 4000-5000 йиллар бурун асос солинган. Хитойли-

сиёсат ва иқтисод борасида ўзаро ҳамкорликсиз иш юритмаган. Улар ташқи олам билан боғланишда доимо бир-бирларини қўллаб турган. Бу эса ўлкамизнинг бус-бутун манфаатларидан қалиб чиқадиган сиёсат эди. Жумладан, Хитойнинг "Тан-шу" йилномасига кўра, 618-626 йилларда Судуйшана, яъни Уструшона ва Кан, яъни Самарқанд, 627 йилги Уструшона, Бухоро, Самарқанд ва Иштихон бирлигида ўз савдо қарвонлари ва эгчиларини Хитойга йўнатган.

Халқаро савдода Туроннинг ҳар бир бўлағи ўз маҳсулоти билан машҳур бўлган. Жумладан, Самарқанднинг сарқил қуруқ ва ҳўл мевалари; отлари, Чо'ённинг кумуш, мис, феруза тошлари, Тоҳаристон чорва маҳсулотлари ва юзгил ҳамда зумрад рангли шашкалари, Фарғонанинг

аҳолининг минтақавий этномаданий алоқалари янада кучайди. Туроннинг деҳқончилик, хўжалиқчилик ҳамда савдо бобидаги маҳорати, шаҳарсозлик маданияти кўчманчи ва ярим кўчманчиларнинг ўтроқлашувига ижобий таъсир этди. Хитой сайёҳи ва роҳибى Сюань Цзан Еттиқув аҳолиси бўлган туронликларни савдода маҳоратли, юксак маданият соҳиблари, деб атайди. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, "Баласоғунда ўтроқлашган сўтдақлар Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги Сўздан бўлиб, худди турклардек кийинадилар ва ўзларини улардек тутадилар".

Турон еридан ўтган савдо йўллари-дан сурёнийлар, форслар, ҳиндлар ҳам фойдаланганликлари айтиш лозим. Негаки улар учун ўз маҳсулотларини катта бозорларга олиб бориб сотиш, у ердан нималарндир ўз қўлларига



хиритилгани икки томонлама савдо-сотиқнинг аҳамияти қанчалар улуғ бўлганини исботлайди, албатта. Шу билан бирга, туронликлар учун Чен юрти билан савдо қилиш осон кечмагани ҳам бор гап. Тарихчи Хуу Жиченнинг ёзишича, хитойлик маъмурлар "тўлов йўқ — савдо йўқ, тўлов бор — савдо бор" сиёсатини юритган. Шундай бўлса-да, тарихчилар Ванг Чжэнли, Гуан Ляоки, Ли Миьнэй, Чэн Айюку, Жин Юэ кабилар "Хитой ва